

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 31-ОКТАБР, ПАЙШАНБА, 131 (8212)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Нурудинов Руслан Шамильевич – оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Алимов Улуғбек Абдумажитович – оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 30 октябрь



ИНТЕНСИВ БОҒЛАР – ИНТЕНСИВ ДАРОМАД МАНБАИ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида боғдорчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тармоқда жаҳон тажрибаси ўрганилиб, илғор усуллардан фойдаланилаётгани нафақат бозорларимиздаги тўкинчиликни таъминлашга, балки экспорт салоҳиятини оширишга ҳам хизмат қилаётир.

Хусусан, мамлакатимизда бундан уч йил олдин бошланган интенсив боғлар ташкил этиш бўйича олиб борилган ишлар бугун ўзининг кутилган самараларини бермоқда. Ана шундай боғлар яратётган деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга имтиёзлар бериш мақсадида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қили-

наётгани ҳам бунда муҳим омил бўлмоқда.

Бу борада Наманган вилоятида ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтган уч йил мобайнида 750 гектар майдонда интенсив боғлар ташкил этилди. Ушбу боғ майдонларида томчилаш сугориш тизимини жорий қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мисол учун, Уйчи туманидаги “Жамолдин-Сардор ҳамкор” фермер хўжалиги боғ майдонларида сугориш ишлари мазкур тизим асосида олиб борилиб, юқори натижаларга эришилмоқда. Чортоқ туманидаги «Боғи эрам инвест» фермер хўжалигида ҳам 5 гектарда интенсив боғ ташкил этилиб, мўл ҳосил етиштирилмоқда. Икки йил олдин барпо этилган боғнинг ҳар гектаридан шу кунларда қарийб ўн тоннадан мева йиғиб олинди. Меваларнинг 30 тоннаси сақлашга қолдирилди.

Косонсой туманидаги «Аҳмадхон ҳожи Косоний» фермер хўжалигида ҳам интенсив боғлар яратиш борасида ибратли тажрибалар тўпланган.

(Давоми 4-саҳифада)

ҲУКУМАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСИ

Пойтахтимизда 30 октябрь кuni Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Хитойнинг ташқи иқтисодий алоқалар, молия, савдо-саноат, сармоя, иқтисодиёт, энергетика, хавфсизлик, фан ва техника, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, маданият каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Рустам Азимов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини

алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг жорий йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, барча соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация асосида изчил тараққий этмоқда. 2011 йилда таъсис этилган Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси савдо-иқтисо-

дий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2012 йилда 3,4 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, мазкур кўрсаткич 2,3 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59 фоиз кўпдир. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 455 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 70 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 71 компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Сармоявий ҳамкорлик икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган нохо-

машё ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда. Хитойлик ишбилармонлар мамлакатимизда ташкил этилган қатор иқтисодий зоналарда фаол иш юритмоқда.

Хитой компаниялари юртимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида иштирок этаётир. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мажлисда икки давлат раҳбарларининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, бу саъй-ҳаракатлар икки мамлакат манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани қайд этилди.

– Ушбу қўмита ташкил этилганидан буён икки томоннинг саъй-ҳаракатлари натижасида катта муваффақиятларга эришилгани бизни гоёта қувонтиради, – деди Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий бюросининг аъзоси, ХКПМҚ сиёсий-юримдик комиссияси котиби, қўмита ҳамраиси Мэн Цзяньчжу. – Ушбу қўмита мажлиси олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилиш учун қулай имконият яратмоқда.

Музокарада қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, сармоявий, молиявий ва техникавий ҳамкорлик, тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантириш, энергетика, хавфсизлик, маданият, фан ва техникага оид масалалар муҳокама қилинди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

АМАЛИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ

Президентимиз Ислом Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Президентимизнинг минтақавий ва халқаро масалаларга оид ҳар бир чиқиши жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Уларда билдирилган амалий хулоса ва таклифлар нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳамкорликни ривожлантиришга асос бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан оқибатда тинчликпарвар сиёсат юритиб келаётди. Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар юртимизда барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик, ҳамжиҳатликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ўзаро ишонч, тенглик, манфаатдорлик асосига қуради. Бу тамойилларга қатъий содиқлик, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш бо-

расидаги саъй-ҳаракатлари туфайли давлатимизнинг жаҳондаги обрў-этибори, нуфузи тобора ошиб бораётди.

Ислом Каримовнинг халқаро майдонда қизғин кутиб олинган ташаббусларидан бири Марказий Осиёни ядро куралидан холи ҳудудга айлантириш ғоясидир. 2006 йил 8 сентябрда Қозғистоннинг Семипалатинск шаҳрида минтақамизнинг беш мамлакати томонидан шу тўғридаги шартнома имзоланди. Бу глобал ядровий хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшди.

Президентимиз ўтган асрнинг 90-йиллари бошида терроризм ва экстремизм халқаро миқёсда илдириб бораётганини, унга қарши барча давлатлар биргаликда курашиши зарурлигини таъкидлаган.

Бугун дунёда рўй берган террористик ҳаракатларга назар солинса, бу баълои офат барча қитъаларга ёйилганини кўриш мумкин. Терроризм ва экстремизм турли минтақаларда турли шаклларда намоён бўлмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрича, давлатларнинг террористик ва экстремистик ташкилотларга ҳар хил ёндашуви уларнинг яшовчанлигини таъминлаётган асосий омиллардандир. Бир давлатда бундай ёвуз кучларга қарши жиддий чоралар кўриладиган пайтда, бошқа мамлакатда улар деярли тўсиқларсиз фаолият юритмоқда.

Шу боис Президентимиз ўз нутқи-

да ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига қўмақлашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Бу тарихдан сабоқ чиқариб, масаланинг аҳамиятини теран англаб, вазиятни тўғри баҳолаб чиқарилган реал ва мантиқий хулосалардир. Зеро, терроризм ва экстремизм чегара билмас экан, унга қарши курашиш ҳам глобал даражада олиб борилиши керак.

Ўзбекистон “Қўшнинг тинч – сентинч”, деган халқ ҳикматида амал қилиб, аввалбошдан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳаракатида бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашуви чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди. 1997 йилда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш учун “6+2” мулоқот гуруҳини, 2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелигида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Бугунги кунга келиб, Афғонистондаги можарони ҳарбий куч билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини дунёнинг ақсарият мамлакатлари эътироф этмоқда.

Президентимиз ўз нутқида ушбу масалага яна бир бор эътибор қаратди. Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида музокаралар ўтказиш ва муроасага келиш, таркибига ўзаро қарма-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатида қатъий амал қилишни қайиди этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари ҳамдўстлик мамлакатларини ҳам шундай йўл тутишга, минтақада ва бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга ўзига хос чақириқ бўлди.

Зеро, иқтисодий тараққиёт учун, халқларнинг фаровон ва бахтли яшаши учун энг аввало тинчлик, барқарорлик, хотиржамлик керак. Тинчлик бор жойда ҳар соҳада юксалиш бўлиши, эл-юрт обод, одамлар ҳаётдан рози ва манун бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан яшаши мумкинлигини жонажон Ватанимиз – Ўзбекистон мисолида кўриб турибмиз. Буни жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Шунинг учун тинч-фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун курашиш ҳар биримизнинг энг асосий бурчимиздир.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент метрополитенида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси томонидан ташкил этилган тадбирда ушбу идоранинг мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тошкент метрополитени мураккаб ер ости иншооти бўлиши билан бирга хавфсизлик ва қулайлик кафолатланган ҳамда хизмат кўрсатиш маданияти юксак даражада ташкил этилган ер ости транспорт воситасидир. Шу боис, пойтахтимизда кўпчилик метродан фойдаланишни афзал, деб билади. Пойтахтимиздаги мазкур ер ости транспортидан ҳар куни 180-200 минг йўловчи фойдаланади. Кейинги йилларда “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси томонидан поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда техник хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, метро линияларида поездлар ҳаракати 6-7 соат оралиқда уларга техник хизмат кўрсатиш жадвали тузилган бўлиб, бу ўз навбатида, поездларнинг ишончли ҳаракат қилиши ва юз бериши мумкин бўлган носозликларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради. Пре-

зидентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган “Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”-ги Фармони ер ости транспорти фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Бугунги кунда Тошкент метрополитенининг умумий узунлиги 39 километр бўлган Чилонзор, Ўзбекистон, Юнусобод йўлидан иборат. Шунингдек, иккита эксплуатация электр депоси ва ҳаракатланувчи таркибни таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш депосини ҳам ўз ичига олган. Уларнинг техник жиҳозланиши замонавий талабларга тўла жавоб беради.

Эҳтиёт қисмларни тиклаш, тайёрлаш ва маҳаллийлаштириш режаси асосида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида метрополитен мутахассислари томонидан 30 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни



Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат.

маҳаллийлаштириб, 353 турдаги эҳтиёт қисм тайёрланди ва қайта тикланди. Бу борадаги ишларда Тошкент метрополитени ҳузуридаги ўқув-услугий марказнинг алоҳида ўрни бор. Ушбу ўқув марказида ишчи-ходимларнинг билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, марказ замонавий компьютерлар, проекторлар, тренажёрлар, электрон дарсликлар ва кўргазмалар куроллар билан жиҳозланган. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу ерда 80 нафардан ортиқ метрополитен ходими ўқиди ва малакасини оширди.

Тадбирда Тошкент метрополитенида йўловчиларни ташви хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор берилган

таъкидланди. Сўнгги йилларда метрополитенда ички видеоконтроль камералари ва мониторинг ўрнатилгани бекатларнинг, жумладан, платформ ва вестибюллар метрополитен ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиш имконини бермоқда. Жетон олиш учун узоқ вақт навбат кутишнинг олдини олиш мақсадида жетон сотиладиган кассаларнинг вестибюлдан бекатларнинг пиёдалар ўтиш жойига кўчирилгани эса йўловчилар учун айна мудоа бўлди. Қолаверса, метрополитенда йўл ҳақини нақд пулсиз амалга оширишда кассалар терминаллар билан жиҳозланган.

Шунингдек, тадбирда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳар

доим метрополитен ходимлари диққат марказида эканлиги бунинг учун муҳандислик иншоотлари, станциялар, электр деполарининг хизмат кўрсатиш ҳамда техник бинолари ва бошқа объектлар ёнғинни автоматик тарзда ўчирадиган замонавий сигнализация тизимлари, ўт ўчиргичлар ва ёнғинга қарши воситалар билан таъминлангани ҳам қайд этилди.

Матбуот анжуманида Тошкент метрополитенида ҳаракат ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятидаги такомиллашув борасида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА – ИСТИҚБОЛЛИ ЭНЕРГЕТИКА

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД

Ҳозирги даврда бутун дунё бўйича углеводород хомашёси захиралари камайиб бораётгани боис, қуёш ва шамолдан энергия олишга нефть ҳамда газ каби ёқилғи ресурсларнинг стратегик муқобили сифатида қаралмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Халқаро қуёш энергияси институтини ташкил қилиш тўғрисида”ги Қарори мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар кўламини тобора кенгайтиришда муҳим омил бўлаётгани билан аҳамиятлидир. Мазкур ҳужжатларда муқобил энергетика соҳасига оид илмий салоҳиятни янада ривожлантириш, қонунчиликни такомиллаштириш, энергия ишлаб чиқарувчилар ва ундан фойдаланувчиларга солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бериш кўзда тутилган.

ТАБИЙ, ДОИМИЙ, БЕЗАВОЛ

Гидрометеорологларнинг сўзларига қараганда, қуёш юртимиз узра бир йилда қарийб уч юз кун нур сочар экан. Бу эса унинг нурларини жамлаш ҳисобига электр энергияси ҳосил қилиш ва истёмоқчиларни мазкур энергия билан узлуксиз таъминлашдек қулай имконият мавжудлигини англатади. Боз устига, мамлакатимизда шамол энергиясидан фойдаланиш борасида ҳам катта тажриба тўпланган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қизилқум ва Оролбўйи ҳудудларида доимий эсувчи шамоллардан нафақат маиший истиёмол, балки ишлаб чиқариш соҳаси учун етарли ҳажмда энергия олиш мумкин.

Шу ўринда қуёш энергиясининг имконияти ғоят улканлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Қуёш ҳозирда башарият тасарруф этаётган қайта тикланмас энергиядан 10 000 мартадан кўп энергияни беришга қодир. Бу энергиянинг йиллик салоҳияти 50 миллиард 973 миллион тонналик нефть муқобилига тенг экани ҳақидаги илмий ҳулоса эътиборга олинса, республикамизда қуёшдан энергия олиш технологиясини амалиётга кенг татбиқ этиш ҳар томонлама афзал.



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА
ЯНА БИР ҲИССА

Экспертлар томонидан мамлакатимиздаги қайта тикланадиган энергия манбаларининг ялпи ва техник салоҳияти атрофлича баҳоланганида, уларнинг табиий ресурслар сифатида етарли ва экологик жиҳатдан хавфсиз экани маълум бўлди. Бу эса ўз навбатида нефть, газ, кўмир каби ёқилғи ресурсларидан фойдаланишнинг узок истиқболга мўлжалланган стратегиясини қайта кўриб чиқиш, миллий энергетика соҳасида қайта тикланадиган энергия манбаларининг қиёсий салмоғини оширишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси томонидан қайта тикланадиган энергия манбалари жадал суръатлар билан жорий этилмоқда. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2015 йилда ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш режалаштирилмоқда. Шу тариқа йилига бир миллиарддан ортиқ кубометр табиий газни тежаш, электр энергиясини ишлаб чиқаришда ёқилғи сарфини 13 фоизга, атмосферага чиқадиган зарарли моддаларни 10 фоизга камайтириш кўзда тутилмоқда.

“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Р.Раимовнинг маълум қилишича, компания маблағлари ҳисобидан ҳозирга қадар Фарғона ва Наманган шаҳарларидаги меҳрибонлик уйларида, Хоразм вилоятининг қатор туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларида ўрнатилган гелиоқурилмалар уларни электр энергияси билан таъминлаётди. Бундан ташқари, Сирдарё иссиқлик электр станциясига қарашли чорвачилик комплексига бир кечакундузда 240 кубометр биогаз ишлаб чиқарувчи қурилма ўрнатилди. Айтилган пайтда Навоий иссиқлик электр станциясига қарашли чорвачилик комплексига ҳам шундай қурилма ўрнатилмоқда. Мамлакатимизнинг чўл ва тоғли ҳудудларида жойлашган қишлоқларда қуёш, шамол, биогаз асосида ишлайдиган замонавий технологияларнинг кенг қўлланилаётгани



Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ўринда яна бир янгилик, Самарқанд вилоятида Осиё тараққиёт банкнинг кредит маблағларини жалб этган ҳолда 100 МВт қувватга эга қуёш станциясини қуриш кўзда тутилмоқда. “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида эса дастлаб 50 МВт, кейинчалик 100 МВт қувватли фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш мўлжалланяпти.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ КЎЗЛАБ

Таъкидлаш жоизки, 2000 йилдан буён бутун дунё бўйича муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга оид истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқишда фооллик кузатилмоқда. Саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишга қаратилган давлат дастурлари қабул қилинмоқда. “Newsweek” журнали сайтыда ёзилишича, Хитой ўз ёқилғи-энергетика балансида 2020 йилга қадар муқобил энергия манбаларининг улушини 10 фоиздан ошириши кутиляпти. Ҳиндистонда ҳам ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар жадаллашаётгани билан эътиборга молик. Европа Иттифоқида эса қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни 2020 йилгача 20 фоизга етказиш бўйича қабул қилинган қарор унга аъзо мамлакатлар учун мажбурийдир.

Дунёнинг қатор давлатларида қуёш энергияси ёрдамида сув иситадиган қурилмалардан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Чунончи, Исроилда деярли барча уй-жойлар шундай қурилмалар орқали иссиқ сув билан таъминланади. АҚШда эса хусусий ва жамоат сузиш ҳавзаларининг 70 фоизига яқини қуёш энергиясидан фойдаланган ҳолда иситилади. Бу эса электр энергиясини 5-6 фоизга тежаш имконини беради, дейилади “Corriere della Sera” газетаси хабарига.

— Мамлакатимизда ҳам қуёш энергияси ёрдамида сув иситадиган қурил-

малар орқали уй-жойлар ва ижтимоий-маиший объектларни иссиқ сув билан таъминлаш тизимлари ишлаб чиқилган, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг қайта тикланадиган энергия манбалари бўлими мудири, академик Р.Зохидов. — Бир неча йилдирки, улардан тажриба тариқасида фойдаланилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида иссиқ сув олиш учун гелиоқурилмалар ўрнатилган, турли қувватдаги фотоэлектр қурилмаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Айтилган пайтда муқобил энергетикага тааллуқли лойиҳаларга билдирилаётган катта қизиқиш соҳада кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришни талаб этмоқда. “Физика-Қуёш” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси негизда Халқаро қуёш энергияси институтининг ташкил этилиши эса айнан шу мақсадга хизмат қилади. Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари маблағларини жалб этган ҳолда қуёш, шамол ва биогаз каби ресурслардан энергия олишга оид тажрибалар ўтказиш, мамлакатимизда ва Марказий Осиё минтақасида қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш мақсадида халқаро анжуманлар ташкил қилиш мазкур институтнинг асосий вазифалари жумласидандир.

Қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишга истиқболли соҳа сифатида қаралаётгани бежиз эмас. Зеро, сайёрамиз аҳолиси муттасил кўпайиб бораётгани инobatга олинса, нефть, кўмир, газ каби ёқилғи ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш имконияти чеклангани маълум бўлмоқда. Боз устига, уларнинг қайта тикланмайдиган хусусиятга эга экани муқобил энергетика аҳамиятини тобора оширмоқда. Мавжуд шароитда башарият энергия олиш ва уни тежашнинг мақбул технологияларини пухта ўзлаштириши ер юзидаги тараққиёт бардавомлигини таъминлашга хизмат қилади.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИГА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Амударё туманидаги «Темир-бетон» масъулияти чекланган жамиятига «Халқ банки»нинг кредити эвазига замонавий ускуналар ўрнатилди. Натижада 35 та янги иш ўрни яратилди.

Тумандаги “Назархон” овул фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган “Шаш манғит” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада кунига 20 тонна арматура ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда 6 киши иш билан таъминланди. “Бойовул пойабзали” масъулияти чекланган жамиятида эса йилига 10 минг жуфт

эркаклар пойабзалини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бугунги кунда корхонада 10 киши меҳнат қилмоқда. Юқорида қайд этилган 3 та лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Амударё туманида 150 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича қабул қилинган дастур ижроси-

ни таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди, — дейди Амударё тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Музаффар Маткаримов. — Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида туманимизда 4029 та янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган бўлса, айтилган пайтда 4081 та иш ўрни яратилди. Улар кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳамда кенгайтириш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фермер хўжаликларида тармоқларни кенгайтириш ҳисобига яратилди. Сирасини айтганда, бу каби истиқболли лойиҳалар ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш имконини бермоқда.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ



Дўстлик ФАЛСАФАСИ

Аграр соҳанинг қирқ ўшлик қадргонлари

Талабалик олтин давр. Йиллар ўтса-да, кўпчилик ёшликнинг завқу шавққа тўла бу онларини беихтиёр кўмсайди, кўнглидан «Яна бир бор талаба бўлиб қолсайдим» деган ўй-фикр ўтади. Тошкент давлат аграр университетини бундан қирқ йил аввал тамомлаган собиқ талабалар жам бўлган тадбирда ана шундай илиқ хотиралар ёдга олинди.

— Ушбу олий даргоҳда таҳсилни тамомлаганимизга қирқ йил тўлиши муносабати билан тўпландик, — дейди қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Рихсбой Тиллаев. — Юртимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор, амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, университет аудиторияларининг энг замонавий анжомлар билан жиҳозлангани, талабалар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб курсдош дўстларимиз хайратларини яширмади. Мен ушбу даргоҳда талаба ёшларга таълим берман. Вақт ўтиши билан инсон ўзгариш ва янгиликларга беихтиёр мослашиб бориши табиий. Аммо бугунги олий таълим даргоҳларини, ёшларнинг билими, теран тафаккурини бундан қирқ йил аввалги ҳолат билан мулҳоқ таққослаб бўлмайди. Йиллар ўтиб, инсон камолот чўққиларини бирма-бир забт этиб бораверар экан. Бугун курсдошларимизнинг аксарияти юртимизда қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият олиб бориб, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Очиғи, пахтачилик ривожига салмоқли ҳисса қўшган Жалолхон Аҳмедов, пахтанинг «Чимбой-50/18», «Дўстлик», навлари муаллифи Узоқбой Азжанов сингари курсдошларимиздан фахрланамиз. Галла, пахта ва бошқа экинлардан юқори кўрсаткичларга эришаётган етакчи фермер дўстларимизни ютуғидан қувонамиз.

— Бугун олий даргоҳда фермерлик бўйича замонавий билимлар асосида таҳсил олаётган ёшларга ҳавас қилса арзийди, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, тажрибали фермер Ҳасан Бобомуродов. — Чунки бугун фермер оддий дехқон эмас, у замонавий билимларни эгаллаган, қишлоқ хўжалигида рўй бераётган ўзгаришларни ўз вақтида таҳлил этадиган етук мутахассис. Буни бугунги фермерларимизнинг қўлга киритаётган меҳнат зафарлари ҳам исбот этаётир. Бир пайтлар галладан ўртача ҳосилдорлик 17-20 центнерни ташкил этарди. Ҳозирда фермерларимиз галла ҳосилдорлигини 100 центнергача етказишди. Чорвачилик ва паррандачиликда бир пайтлар бош сонини сақлаб қолиш муаммо эди. Айни пайтда йилдан-йилга қорамол сонини ҳамда сифатини яхшилаб, юқори даромад олишга муваффақ бўлаётган фермерларимиз талайгина. Боғдорчилик, полизчиликдаги натижалар ҳам кишини қувонтиради.

Сирасини айтганда, қирқ йилдан кейинги университетдаги дийдорлашувда ёшликнинг бетакрор лаҳзалари хотирланди. Собиқ талабаларнинг эгаллаган мутахассислиги бўйича қирқ йилда қўлга киритган муваффақиятлари эътироф этилди. Талабаликнинг дилдан ўчмас воқеалари эсга олинди.

Байрамдурди САПАЕВ

Қишлоқда меҳмон келса, дарҳол давра ташкиллаштирилади. Қизиқошда ҳам худди шундай бўлади. Муҳаммаджоннинг уйига бир зумда дўст-биродарлари йиғилди. Баҳс-мунозара қизигандан-қизиди. Дўстлар ўз дўстлиги ҳақида тўлақонлиқ сўзлаб кетдилар.

Кутилмаганда давранинг тўрида ўтирган йигит ёқимсиз оҳангда кўлини паҳса қилиб:

— Э-э, кўй, шу дўстликни. Ўзи йўқ нарса бўлса, — дегач ҳамма бошини кўйи солиб жим бўлиб қолди. Ўтирганларнинг бирортаси бу сукунатни бузишга ботина олмасди. Бу йигит ким? Пулдорми? Ёки амалдорми? Нега бунчалар ўзини катта олади. Бошимда шундай жавобсиз саволлар айланарди. Ниҳоят давранинг кўйида ўтирган Жумабой исмли йигит ўртадаги бу сукунатни кўтарди:

— Дўстлик бор, — деди қатъий, аммо овозини кўтармай, босиқ бир оҳангда. Сўнгра бошини сал кўтариб, кўзини бир нуқтадан олмай, сўз бошлади. Унинг шунчалар таъсирли, асосли сўзлари ҳар қандай эшитувчини ҳам хайратлантирмай кўймасди.

— Пайғамбаримиз (с.а.в) марҳамат этганлар: Бир киши узоқ жойдаги, қиёматли дўстини зиёрат этгани кетаётганида, Аллоҳ таоло бир Фариштани унга дуч қилди. Фаришта унга:

— Йўл бўлсин, — деди.

— Фалон қишлоқда қиёматли дўстим бор, унинг ҳажга кетаётганини эшитиб, зиёратга

боряпман, — деди у киши.

— Сенга ундан бирор манфаат борми, бу қадар узоқ йўл азобини тортиб кетяпсан? — деди Фаришта.

— Ҳеч бир манфаат йўқ, фақат Аллоҳ ризоси учун яхши кўраман ва шу учунгина кетаяпман, — деди киши.

— Эй одам! Ҳеч шубҳа қилмагайсан, сен дўстингни қанчалик севсанг, Аллоҳ сени ҳам шунчалик севади! — деди у.

Бу ёруғ дунёда номлари маълум ва машҳур бўлган буюк бобокалонларимиз, Алишер Навоий, Фузулий, Бобур, Жомий, Шерозий, Машраб кабилар дўстликни инсонийликка хос илоҳий бир туйғу тарзида куйлаганлар.

Алишер Навоий, дўстликни куйидагича назмга солади:

**Бировни дўст тутар бўлсанг
синаб кўп унга дўст бўлким,
Қораймас юз, қизармас кўз
кишининг қадди ҳам бўлмас.**

Навоий нега аввал синаб, кейин дўст тутинмоққа ундамоқда. Навоий хушёр бўлмоққа, дўстликдек илоҳий туйғуни хасдек оёқ ости қилмасликка чорламоқда.

Рудакийнинг мана бу байтлари барчага ёд бўлиб кетган эмасми:

**Жаҳоннинг шодлиги
йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан
бўлолмас устун.**

Замондошимиз, таниқли шоир Эркин Воҳидов дўстликни шундай куйлайди:

**Дўст билан обод уйинг
гар бўлса у вайрона ҳам,
Дўст қадам кўймас экан
вайронадир кошопа ҳам.**

Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Анвар билан Насим дўстлигини эсга олайлик-а: Анвар ҳар оқшом Насимнинг қабри устида бир неча соатлаб, йиғлаб ўтирди. Бу ёшларнинг самимий чин дўстлиги ва ўртоғига садоқати ҳар кимни таажжубга кўйди...

Саъдийнинг мана бу байти бутун инсониятни ўзаро дўст, ҳамжиҳат бўлмоққа ундайди:

**Бани Одам аъзои яқдигаранд
Ки дар офариниш зи як жавҳаранд.**

(Маъноси: Одам болалари бир-бирининг аъзосидир, чунки улар ягона гавҳардан вужудга келган).

Ёки Алишер Навоийнинг куйидаги сатрларини олайлик:

**Навосиз улуснинг
навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса,
сен яхши бўл.**

Беш юз йил олдин айтилган бу ҳикмат хануз ақлга чуқур сингади. Самимияти ҳатто тош юракли одамни ҳам тўлқинлантириб юборади.

Ҳа, дўстлик инсонгагина хос бўлган улғу бир туйғу.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ

ИНТЕНСИВ БОҒЛАР – ИНТЕНСИВ ДАРОМАД МАНБАИ

(Боши 1-саҳифада)

Фермер хўжалиги раҳбари Анвархон Абдуллаевнинг таъкидлашича, хўжалик асосан паррандачиликка ихтисослашган. 2005 йилда хўжаликда 25 минг бош насли парранда парваришланган бўлса, айни пайтга келиб улар сони 130 мингга етказилди. Ҳар йили янги иш ўринлари яратилиб, ишчилар сафи 45 нафарга кенгайтирилди. 2011 йилда замонавий технологиялар билан жиҳозланган нон цехи ишга туширилди.

— Тармоқ кўпайса, даромад ҳам шунга яраша бўлади, — дейди фермер. — Қолаверса, бу давр талаби. Шу боис, ўтган йили адирликлардан 13 гектар қаровсиз майдонни ўзлаштириб, интенсив боғ барпо этдик. Боғимизда Польшадан келтирилиб экилган 2,5 минг туп олма, шафтоли, гилос ниҳолларини парваришляпмиз. Боғда томчилатиб сугориш тизимини жорий этдик. Натижада сув сарфи саккиз баравар қисқарди. Бундан ташқари, электр энергияси бўйича ҳам яхшигина тежамкорликка эришдик.

Мутахассислар фикрига кўра, кўчатлар тўлиқ кучга тўлганда интенсив боғларнинг ҳар гектаридан 40-45 тоннагача



ҳосил олиш мумкин. Демакки, яқин даврда боғлар ҳам катта даромад манбаига айланади.

Аҳмад ХАМДАМ
Муаллиф олган суратлар.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ № 44:

Лот № 44-1: «Жиззах вилояти Зафаробод тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини капитал таъмирлаш».

Бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 423,698 млн. сўм, ҚҚС билан 508,437 млн. сўм.

Лот № 44-2: «Жиззах вилояти Пахтакор тумани А.Икромов маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносини капитал таъмирлаш».

Бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 459,038 млн. сўм, ҚҚС билан 550,846 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2014 йил 31 мартгача.

Ишларни молиялаштириш: Вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 100-уй.

Телефон: (8-372)-222-46-40.

Диққат! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500

млн. сўмдан кўп бўлган турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объеклари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридеги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни куриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл курилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офертларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ кўшимча

қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл офертларнинг тақлифларига кўшимча қиймат солиғи кўшиб ҳисобланади.


Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 минг сўм.

Тақлифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Офёрталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати - офёрталар очиқлиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш. Ш.Рашидов шоҳ кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.



«TURKISTON INTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига 1. «ТЕХНОЛОГМАШ» ШК томонидан Тошкент шаҳар Олмазор тумани Қорасарой кўчаси 284-уй манзилидаги давлат рақами 01/159 WBA бўлган, 1990 йилда и.ч., 898 917 сўм бошланғич нархдаги РАФ 220301 русумли, давлат рақами 01/160 WBA бўлган, 1990 йилда и.ч., 2 240 000 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 5201 русумли, давлат рақами 01/158 WBA бўлган, 1993 йилда и.ч., 1 560 750 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 310290 русумли, давлат рақами 01/2369AA бўлган, 1990 йилда и.ч., 2 747 496 сўм бошланғич нархдаги ОДА3 9357 русумли, давлат рақами 01/161 WBA бўлган, 1984 йилда и.ч., 7 987 500 сўм бошланғич нархдаги КАМАЗ 5410 русумли, **2. «O'ZBEKISTON SHAMPANI» ОАЖ**нинг Тошкент шаҳар С.Машҳадий кўчаси 186-уй манзилидаги давлат рақами 01 228 QCA бўлган 1992 йилда и.ч., 16 535 260 сўм бошланғич нархдаги КАМАЗ 5320 русумли, давлат рақами 01 229 QCA бўлган 1989 йилда и.ч., 15 611 502 сўм бошланғич нархдаги КАМАЗ 55102 русумли, давлат рақами 01 525 ССА бўлган 1999 йилда и.ч., 19 018 276 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01 767 LBA бўлган 1997 йилда и.ч., 17 853 706 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01 797 DCA бўлган 1996 йилда и.ч., 17 21 093 сўм бошланғич нархдаги НЕКСИЯ русумли, давлат рақами 01 515 ССА бўлган 2007 йилда и.ч., 26 885 000 сўм бошланғич нархдаги ГАЗ 3102-581 русумли, **3. «MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI» АЖ**нинг Тошкент шаҳар Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй манзилидаги давлат рақами 01 037 UBA бўлган 2006 йилда и.ч., 18 500 000 сўм бошланғич нархдаги ГБАСПГ НЕКСИЯ СОНС русумли автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уйда 2013 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да, ушбу савдода сотилмаган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг охиригача ҳар душанба кунлари соат 11:00 да бўлади. Аукцион яқунлари савдо тугаган захоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевоқиф жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомга (ариза)ларни Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Маъмур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Бухоро кўчаси 10-уй. Тел: 144-66-55, 233-33-37.

Гувоҳнома №005424

ДП «OLMAZOR MEYORIY SERVIS» (ИНН 207131293) регистрированин оидомом гос. регистратсии субъектов предпринимательства хокимията Олмазарского р-на г. Ташкента (реестр № 005438, 14.09.2011 г., копия дубликата свидетельства), расположенное по адресу: г. Ташкент, Олмазарский р-н ул. Саган-Фаробий д. 5, б. 7, ликвидирован. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации объявления.
Тошкент ш. Олмазор т. Давлат Солиқ Инспекцияси томонидан (27.03.2013 й.да гувоҳнома № 903067) рўйхатга олинган «Хикматов Хайрулла Нигматович» ЯТТга тегишли бўлган бир донга думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Утеранный диплом № 024518 выданный в 1994 г. I-ТашГосМИ на имя Оллоназаровой Турдихол Жумаевны, считать недействительным.
Утеранное удостоверение № 110 по специальности акушер-гинеколог (интернат) выданное ТашГосМИ в 1995 г. на имя Оллоназаровой Турдихол Жумаевны, считать недействительным.
«FAYZ BARAKA KOMMUNAL BIRINCHI» (ИНН 206677058) хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штамп йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
